

Ўқинишга марҳамат, истиқлол фарзандлари!

газетамизнинг ушбу сони 2011-2012 ўқув йили қабулига баришланади

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

ZIYO



CHASHMASI

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

** № 7 (195) ** 2011 YIL, IYUL ** MAXSUS SON

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

БИЛИМЛИЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

О. ДҮСМАТОВ,
Жиззах Давлат педагогика институти ректори,
физика-математика фанлари доктори, профессор

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти ўз фаолиятини бошлаганига 36 йил тўлди. Утган давр мобайнида вилоятимиз ва юртимиз учун кўплаб малакали педагог кадрлар тайёрлади. Улар айна кунда турли таълим масканларида ёшларимизни замон руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Институт ташкил топган йили иккита факультет - ўзбек тили ва адабиёти ҳамда математика мавжуд бўлиб, 29 нафар профессор-ўқитувчи ва 425 нафар талаба билан иш бошлаган бўлса, ҳозирги пайтда институтда 10 та факультет (ўзбек тили ва адабиёти, хорижий тиллар, тарих, бошланғич таълим педагогикаси, педагогика-психология, табиатшунослик,

физика-математика, тасвирий санъат ва меҳнат таълими, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, малака ошириш ва қайта тайёрлаш) бўлиб, 30 дан ортиқ миллат вакилларининг 6 мингдан ортиқ ўғил-қизлари 18 та таълим йўналиши бўйича таълим тарбия олмақдалар.

Институтда ҳозир 32 та кафедра, 8 та ўқув лабораторияси, 20 та ихтисослаштирилган кабинет, 20 та ҳозирги замон компьютерлари билан жиҳозланган аудиториялар, 4 та лингафон кабинети, 4 та ўқув корпуси, 1 та 400 ўринли ётоқхона, маънавият-тарғибот маркази, 700 ўринли маданият саройи, 3 та мажлислар зали, 2 та стадион, Ахборот ресурс маркази, 14 та ўқув заллари, Бобур номли спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, 5 та овқатланиш шаҳобчаси фаолият кўрсатмоқда.

Институтда профессор-ўқитувчилар сони 500 дан ортиқ. Уларнинг 17 нафари фан доктори, профессорлар, 114 нафари фан номзодлари, доцентлардир. Сўнгги уч йил ичида 15 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.


Ўзаро тажриба алмашиш ва маҳоратни ошириш борасида халқаро алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Шунинг учун институт профессор ўқитувчилари бир қатор ривожланган давлатлар олий ўқув муассасалари билан ҳамкорликда қатор илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар.

Институтда фан ва таълим интеграциясида уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва боғлиқлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Барча факультет ва кафедраларимиз республикадаги етакчи илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатган.

Институтда иқтидорли аълочи, имтиёзли битирувчи, номдор стипендияли ва халқаро спорт мусобақаларида қатнашувчи талабалар сони йил сайин ортиб бормоқда.

(Давоми 2 - саҳифада).

ФОТОЛАВҲАЛАРДА ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ



ИНСТИТУТ ҲАЁТИ



БИЛИМЛИЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

(Давоми. Бошланиши
1-саҳифада)

Давлат стипендиясига сазовор бўлган йигит - қизларимиз сафи ҳам кенгаймоқда. Дилором Хайдарова Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат стипендияси, Гулноза Матмуродова Мирзо Улуғбек номидаги, Баҳора Холмуминова ва Умид Норбеков Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиблари ҳисобланади. Камола Очилова ва Сардор Муродиллаевлар эса "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ва "Меҳр нури" жамғармаларининг "Таълим" грантлари - 2010 йил" голибларидирлар.

Бу йил республика фан олимпиадаси натижасига кўра институтимиз талабаларидан кимё фанидан Дилафруз Имомова 1 - ўринни, физика фанидан Маъруф Мамадиёров 2 - ўринни, материаллар қаршилиги фанидан Аршад Нишоннов 2 - ўринни, немис тили фанидан Дилшоҳ Маъзурова 2 - ўринни, жисмоний тарбия, спорт назарияси ва амалиёти фанидан Фарух Аҳмедов 2 - ўринни, чизма геометрия ва чизмачилик фанидан Шохид Маҳкамова 3 - ўринни, тасвирий санъат тарихи ва назарияси фанидан Асқар Гафоров 3 - ўринни, инглиз тили ва адабиёти фанидан Баҳром Жабборов 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Институтимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашнинг муҳим гарови булган спорт - соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ҳозирда 1 та очик футбол майдони, 3 та спорт зали, 2 та кўл тупи майдони, 3 та волейбол майдони, 3 та баскетбол майдони ва очик бассейн талабалар ихтиёрида. "Талаба" спорт клуби мавжуд бўлиб, унда ёшлар спортнинг 13 тури бўйича турли секцияларда мунтазам машғул олиб бормоқдалар. Бундай шароит ва имконият талабаларимизнинг кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этишини таъминлайди. 50 нафардан зиёд талабалар спортнинг кўпгина турлари бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпионлари унвонига сазовор бўлиш-

ган. Масалан, Ирода Абдураҳмонова спортнинг дзю-до тури билан шугулланади. У Миср Араб Республикасида, Таиландда бўлиб ўтган Осиё уйлари ва жаҳон биринчилигида муваффақиятли иштирок этиб, голиблар шохсупасидан урин олди. Ўтган йили у Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек спортнинг дзю-до тури бўйича талабаларимиз Ирода Матмуродова ва Шаҳодат Сўпихонова бир неча қарра Ўзбекистон чемпиони бўлдилар ва бир қатор давлатларда бўлиб ўтган беллашувларда голиблик шохсупасини эгалладилар.

Факультетнинг яна бир битирувчи талабаси Анузар Юнусов 2008 йили Францияда бўлиб ўтган мусобақада спортнинг ёзги биатлон тури бўйича қатнашиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номни кўлга киритди. У Бирлашган Араб Амириликда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иккита олтин медаль соҳиби бўлди. Боксчи Баҳром Хидиров ҳам шу факультетнинг талабаси. Баҳром Германияда, Қирғизистонда, Россиянинг Хабаровск шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда совринли уринларни эгаллади. Факультет талабалари спортдаги бундай муваффақиятларни янгилаш саритинмай интилоқдалар.

Муस्ताқил Ўзбекистоннинг истиқболи ҳар жиҳатидан юксак малакали ва маънавиятли мутахассислар тайёрлашга боғлиқ. Бу нарсга «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да уз ифодасини топган. Мазкур дастурда кўзда тутилган вазифалардан бири таълим ва тарбиянинг узвийлигидир.

Ўзбекистон муस्ताқиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш арафасида турибмиз. Ушбу кўтлуг йилда ҳам талабаларимиз сафини энг иқтидорли ёшлар билан тўлдириш ниятидамиз. Шу кўнларда ҳужжат топшириш давом этмоқда.

Ҳурматли абитуриентлар! Институтимизга ҳужжат топширгангиз учун Сизларга миннатдорчилик билдирган ҳолда тест синовларини муваффақиятли топшириб, талабалар сафидан ўрин эгаллашингизга тилақдошимиз.

Физика-математика факультети

Факультет 1974 йили ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 52 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 3 нафари фан доктори, профессор, 24 нафари фан номзоди, доцент, 11 нафари катта ўқитувчи ва 14 нафари ўқитувчилар.

2008 йил сентябрдан факультетни доцент Б.Н.Эргашев бошқармоқда.

Факультетда 3 та кафедра мавжуд. Булар - «Умумий математика», «Умумий физика», «Информатика ва ахборот технологиялари».

Ўтган давр мобайнида Жиззах воҳаси учун 3200 дан зиёд математика, физика, информатика, меҳнат таълими, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси ўқитувчилари тайёрлаб берилди. Улардан 320 дан ортиги имтиёзли диплом билан тугатган. Битирувчилар орасида фан номзодлари, таълим муассасалари раҳбарлари мавжуд.

Факультетда ҳозирги кунда 548 нафар бакалавр талабалар тахсил олмақда.

Факультетда физика-математика фанлари доктори, профессор Р.Бекмирзаевнинг бевосита раҳбарлигида Россиянинг Дубна шаҳридаги Бирлашган Ядро тадқиқотлари институти (ОИЯИ) билан Жиззах Давлат педагогика институти ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқаси ўрнатилган

бўлиб, ҳозирги кунда институтнинг 3 нафар стажёр-тадқиқотчи, изланувчилари ва 1 нафар докторант-тадқиқотчиси ОИЯИ да бажарилаётган "Релятивистик физика соҳасида оғир ва энгил ионларни тадқиқ қилиш" мавзусидаги лойиҳа доирасида ўзларининг илмий - тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Профессор ўқитувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг "Узлуқсиз математик таълим узвийлигини таъминлашнинг дидактик таъминоти" мавзусидаги грант лойиҳаси устида амалий тадқиқот олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар факультет профессор-ўқитувчилари томонидан 56 та қўлланма, 76 та ўқув ва услубий тавсияномалар, 580 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалар чоп этилган. 26 та фан бўйича ўқув адабиётларининг электрон версиялари яратилган. 100 дан ортиқ халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-назарий, илмий-услубий ва илмий-техникавий конференцияларда илмий маърузалар билан иштирок этилган.

Бошланғич таълим педагогикаси факультети

Факультет 1974 йили ўзбек тили ва адабиёти факультетининг бўлими сифатида иш бошлади. Факультет дастлаб 3 нафар фан номзоди ва доцент, 8 та ўқитувчи, 75 талаба билан иш бошлаган бўлса, ҳозирги пайтда минглаб талаба тахсил олмақда. Буларга 84 дан зиёд ўқитувчи ва профессорлар таълим-тарбия сирларини ўргатмоқда. Ўқитувчилардан 3 нафари фан доктори, профессор (Тўракулов Х.А., Маматов А.Э., Жуманазаров У.), 16 нафари доцент, 8 нафари фан номзоди, 19 нафари эса катта ўқитувчидир.

Факультет серкўлам тараққиётида институтнинг илмий кенгаши аъзолари ва собиқ ректорлар-профессорлар Б.Ў.Уринбоев, У.Нишонлиев, Ўзбекистон халқ депутати, профессор С.А.Нишонов, профессор Ф.И.Муҳамедов ва профессор, бугунги кунда институтни бошқарётган О.Дўстматовларнинг хизматлари катта.

Факультет ташкил этилгандан буён зиё масканлари учун 5,5 мингдан ортиқ олий маълумотли мутахассислар тайёрлаб берилди.

1997 йилдан ҳозирги кунгача Педагогик таълим халқаро фанлар академияси академиги, А.Г.Неболсин номидаги халқаро мукофот лауреати, Ўзбекистон Республикаси

Халқ таълими аълочили, техника фанлари доктори, профессор Тўракулов Х.А. факультетга раҳбарлик қилмоқда.

Факультетда таълим-тарбия, илмий-методик, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Ҳозирги кунгача профессор-ўқитувчилар томонидан 21 та монография, 28 та ўқув қўлланма, 65 та методик тавсиянома ва 1300 дан ортиқ илмий-методик мақолалар чоп этилди. Факультет қошида "Педагогика фанининг долзарб муаммолари ва таълимни технологиялаштириш" илмий семинари фаолият кўрсатади. Шунингдек, 4 та клуб ва 6 та тўғарак ёшлар таълим-тарбиясига хизмат қилмоқда.

Факультет профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга ошириш мақсадида олиб борилаётган илмий-тадқиқот лойиҳаларида иштирок этиб келмоқдалар.

Факультетда иқтидорли талабалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Жумладан, ҳар ўқув йилида профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларнинг илмий мақолалари "Фан, таълим ва амалиёт" маж-

муаси сифатида тўплам кўринишида чоп этирилади.

2009-2010 ўқув йилида Холмуминова Баҳора устози Ё.Алимуқолов билан биргаликда "Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда конфликт вазиятлар намоён бўлишининг психологик асослари", Казахова Лобар эса устози Н.Усмонов билан биргаликда "Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар онгига миллий ғояни халқ мақоллари асосида сингдириш" мавзуларида методик тавсияномаларини нашр этирдилар (Тошкент. "Ёш технология" нашриёти, 2010). Иқтидорли талабаларимиздан Холмуминова Баҳора 2010 йилги номдор стипендияларга бўлиб ўтган танловда қатнашиб Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори бўлди.

Бугунги кунда факультетда қуйидаги тўғараклар фаолият юритиб келмоқда: "Ёш психолог", "Кизиқарли математика", "Моҳир кўлар", "Ёш педагог". Клублардан "Заковат", "Педагогик инновация" ва бошқалар фаолияти йўлга қўйилган. Иқтидорли талабалар фаолиятини жонлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбек тили ва адабиёти факультети

Ўзбек тили ва адабиёти факультети 1974 йилдан, Жиззах давлат педагогика институти ташкил топган кундан фаолият юритиб келмоқда. Факультет 1977 йилда илк мутахассисларни тайёрлаб чиқарди. Ўтган давр мобайнида факультетда 4000 дан ортиқ малакали мутахассислар тайёрланди. Яна бир эътиборли жиҳат шуки, ўзбек тили ва адабиёти факультети таркибидан турли даврларда бошланғич таълим методикаси (ҳозирги бошланғич таълим педагогикаси), рус тили ва адабиёти (ҳозирги хорижий тиллар), тарих факультетлари ажралиб чиққан.

Дастлаб факультетда «Ўзбек тилшунослиги», «Ўзбек адабиёти тарихи» кафедралари фаолият кўрсатган бўлса, кейинчалик учинчи - «Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси» кафедраси ҳам иш бошлади.

Мазкур кафедраларда 40 дан ортиқ тажрибали мутахассислар талабаларга таълим-тарбия беришмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ёши 45 ёшга ташкил етади. Уларнинг 16 нафари фан номзодлари ва доцентлар, бир нафари фан доктори илмий даражасига, ўқитувчилардан 3 нафари профессор унвонига эга.

Ҳозирги кунда факультетда 500 га яқин талаба тахсил олмақда. Профессор-ўқитувчилар талабаларга ҳар томонлама пухта билим бериш билан бирга, илмий соҳада ҳам самарали изланишлар олиб боришмоқда.

Факультетда фаолият олиб бораётган тажрибали мутахассислар: тилшунос олимлардан Х.Жўраев, Б.Файзуллаев,

М.Турсунпўлатов, Т.Алмаматов, А.Мусаев, Қ.Ядгаров, С.Соипов, Ш.Алмаматовалар ўзбек тилининг грамматик қурилиши, сўзлашув нутқ, диалектология, терминология ва лугатшунослик муаммолари билан, адабиётшунослардан Ф.Бойназаров, О.Жўраев, И.Икромов, А.Тангиров, Н.Соатова, А.Турсунқулов, Ю.Каримова кабилар ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқидчилик муаммолари билан шугулланишмоқда. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар томонидан аъъанавий (апрел) илмий-амалий анжумандан ташқари, Навоий, Қодирий ва бошқа ижодкорлар илмий меросини ўрганишга, долзарб сана ва мавзуларга бағишланган анжуманлар ўтказиш ва материалларини чоп этиш изчил йўлга қўйилган. Шунингдек, иқтидорли талабалар маркази (раҳбари - филология фанлари номзоди Юлдуз Каримова) томонидан илмий-ижодий фаолиятга йўналтирилган талабалар ишларини нашр этиш ҳам бу борадаги ишларнинг ривожига катта ҳисса қўшиб келаяпти.



Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жихатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.
Ислом КАРИМОВ

Табиатшунослик факультети

Педагогика ва БТУ факультети қошидаги «Биология» бўлими асосида 1996-1997 ўқув йилининг июнь ойида Кимё – биология факультети ташкил этилди. Дастлабки йилларда (1996-1997 ўқув йилида) факультет декани вазифасида кимё фанлари номзоди Э.Б.Шамуратов ишлаган. Шу йилларда факультетда иккита кафедра, «Табиатшунослик асослари» ва «Тиббий билим асослари» кафедралари мавжуд бўлиб, улар биология, кимё, география йўналишида мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган. 1998 йил сентябр ойдан бошлаб факультетга биология фанлари доктори, профессор Х.Мавлонов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Факультет қошида бешта кафедрада 54 нафар профессор ва ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда (шундан 3 нафар фан доктори, профессор, 18 нафар фан номзоди ва доцентлар, 24 нафар катта ўқитувчи ва 9 нафар ўқитувчи, техник ходим ва лаборантлардир). Техник ходим ва лаборантлар сони 12 та. Таълим олаётган талабалар сони 896 та (шундан 274 нафари грант 622 нафари шартнома асосида ўқийди.)

2005-2006 ўқув йилида ботаника йўналиши бўйича аспирантура очилди. Ҳозирги кунда учта аспирант номзодлик диссертацияси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Талабаларга 5 та жиҳозланган фан кабинетлари, 6 та лаборатория хонаси, 15 та ўқув хонаси ва 3 та маъруза хонаси, маънавий хонаси, 2 та компьютер синфи хизмат кўрсатмоқда.

Факультет жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, ботаника, зоология география,

неорганика ва полимерлар химияси илмий текшириш институтлари, Ўзбекистон Миллий Университети, Самарқанд Давлат Университети, Тошкент Давлат Педагогика университетининг химик, биолог ва географ олимлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Кафедраларда Зомин ва Нурота Давлат кўрикхоналари билан шартномалар тузилган ва уернинг фауна ва флорасини ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илмий ишлар асосан Жиззах вилояти табиий ресурсларини ўрганиш, шу кундаги ҳолатини аниқлаш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Талабалар республика фан олимпиадаларида қатнашиб, бир неча марта фахрли ўринларни эгалладилар. Тўртинчи курс талабаси Тошпўлатова Сабоҳат 2009-2010 ўқув йилида Улуғбек стипендиясига номзод бўлди. Бу йилги олимпиадада талаба Дилафруз Имомова кимё фанидан биринчиликини олди.

Охири йиллар мобайнида факультетда иккита фан доктори ва бешта фан номзоди етишиб чиқди.

Факультет талабалари ўз билимларини амалиёт майдонларида синаб кўрадилар. Бир неча йиллардан буён табиатшунослик факультети бир қанча хўжалик ташкилотлари билан шартномалар тузиб келмоқда.

Тарих факультети

Тарих мутахассислиги 1995 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти» факультети қошида алоҳида гуруҳ, сўнгра бўлим этиб ташкил этилган. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб тарих мустақил факультет сифатида фаолият кўрсата бошлаган. Унга дастлаб доцент А.Ботиров бўлим бошлиғи (1995-1999 йиллардан), сўнгра доцент Э.Холбўтаев (1999-2006 йиллар), доцент А.Ҳотамов (2006-2008 йиллар), доцент Б.Миркомиллов (2008-2010 йиллар) раҳбарлик қилган. Ҳозирги кунда факультетга фалсафа фанлари номзоди доцент С.Ҳозиев раҳбарлик қилмоқда.

Факультетда иккита йўналиш бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

— 5110600 — Тарих.

— 5111600 — Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими.

Таъсил олаётган 602 та талабадан 157 нафар талаба грант, 506 нафар талаба шартнома-тўлов асосида таъсил олишади. Талабаларнинг 519 таси ўғил болалар, 144 таси қизлардан иборат бўлиб, 309 та талаба тарих йўналишида, 354 талаба миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари йўналишида таъсил олади.

Бугунги кунда факультет битта компьютер хонаси, 15 та ўқув хонаси, маънавият хонаси, кўчма музей, иқтидорли талабалар билан ишлаш хонаси ҳамда 4та кафедралар жойлашган хоналардан иборат базага эга. Факультет талабаларига 60 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар мутахассислик фанларидан таълим бермоқдалар. Уларнинг 3 нафари фан доктори, 20 дан ортиғи фан номзоди, доцент ва қолганлари катта ўқитувчи ва ўқитувчилардир. Ўқитувчилардан 4 нафари докторлик ишини ҳимоя қилиш арафасида.

Факультет профессор-ўқитувчиларидан доцент М.Пардаев 2007 йил Францияда, 2009 йил Японияда, ўқитувчи С.Назарқосимов эса 2007, 2009 йилларда Хитойда малака оширишда бўлиб қайтганлар.

Факультет талабаларининг ютуқлари ҳам анчагина. Улар орасида фан олимпиадалари, нотиқ талабалар танловининг, «Келажак овози» танловининг, Навоий номли давлат стипендиясининг совриндорлари бор.

Педагогика-психология факультети

Педагогика факультети таркибиде педагогика-психология, дефектология, мактабгача таълим ва болалар спорти ва мусиқа бўлими сифатида фаолият юритиб келган. Бу йил педагогика-психология факультети алоҳида факультет сифатида фаолият кўрсата бошлади. Факультетга педагогика фанлари номзоди, профессор Х.А.Мелиев раҳбарлик қилмоқда. Ҳозирги кунда факультетда «Дефектология», «Педагогика-психология», «Мактабгача таълим назарияси ва методикаси» ва «Мусиқа таълими» кафедралари бўлиб, уларда 74 нафар профессор-ўқитувчилар меҳнат қилишмоқда. Улар 820 нафар ортиқ талабаларга фан сирларини чуқур ўргатмоқдалар. Факультетда 2 та профессор, 5 та доцент, 3 та фан номзоди, 13 та катта ўқитувчи, 29 ўқитувчилар меҳнат қиладилар. Бакалаврлар таёрлашда узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан, педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиб ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигига эришилмоқда.

Иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. «Педагогика фанининг долзарб муаммолари ва таълимни технологиялашти-

риш», «Психология фанининг долзарб муаммолари ва талабаларнинг касбий сифатларини юксалтириш» мавзусидаги илмий-услубий семинарлар режа асосида ишлаб турибди. Кафедралар профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришларида ана шу семинарларнинг роли беқиёсдир. Ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларнинг илмий мақолалари матбуот саҳифаларида ва алоҳида тўплам сифатида чоп этилмоқда.

2007 йилда «Дефектология» кафедраси ташкил этилди ва нутқида нуқсон бор болаларни тарбиялаш учун мутахассис кадрлар етиштириб бера бошлади. Мазкур йўналишда бугунги кунда 155 нафар талаба таъсил олади. Шунингдек, мусиқа таълими йўналишидаги 226 нафар талабаларга 13 нафар акомпанатор ва концертмейстер таълим-тарбия бермоқдалар.

Педагогика-психология факультети жамоаси профессор-ўқитувчилар учун интернетдан фойдаланиш мақсадида ўқув курслари ташкил этиб, ўқитувчиларда компьютер саводхонлигини ошириш ва дарс жараёнида инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишга эришмоқда.

Хорижий тиллар факультети

Хорижий тиллар факультети институт очилган 1974 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. 1978 йилдан бошлаб «Рус тили ва адабиёти» факультети сифатида фаолият кўрсатган, 1998 йилда «Хорижий тиллар» факультети деб номланган. Дастлаб факультетда «Рус тили ва адабиёти» мутахассислиги бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрланган. 1995 йилдан инглиз тили йўналиши бўйича ҳам бакалаврлар тайёрлана бошланди. Факультетда таълим олган мутахассислар ҳозирги кунда МДХ мамлакатларида, АҚШ, Исроил, Исландия, Австралия, Франция каби давлатларда яшаб ишламоқда.

Бугунги кунда факультетда 650 дан ортиқ талаба таъсил олмоқда.

Факультетга 1997 йилдан 2007 йилгача доцент Пирназаров Умирбой раҳбарлик қилган. 2007 йилдан буён факультетни педагогика фанлари номзоди, доцент А. Нурманов бошқариб келмоқда.

Факультетда 3 нафар фан доктори, 10 нафар фан номзоди, доцентлар фаолият кўрсатмоқда. Профессор-ўқитувчилардан 2 нафари докторлик, 15 нафари номзодлик диссертациялари устида иш олиб боришмоқда. Норбеков Фарход, Жўраев Илҳом, Жабборов Шерзод, Эшонкулов Ҳамроқул, Абдулаҳадова Шоҳида, Шукурова Феруза, Қосимова Феруза каби ўқитувчилар номзодлик диссертацияларини яқунлаш арафасида турибдилар. 2011 йил 3 июнь куни инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси Исмаилова Наташа номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2011 йил охиригача 1 та докторлик ва 3 та номзодлик диссертацияларининг ҳимояси режалаштирилган.

Охириги 5 йил давомида иқтидорли талабаларимиздан 2008 йилда Яхшиева Зулфизар, Расулова Гавҳар, 2009 йилда Хусанова Озода Навоий номли Давлат стипендияси, 2010 йилда Хайдарова Дилором Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндорлари бўлиш шарафига эришдилар.

2009 йили Республика талабалар олимпиадасида рус тили ва адабиёти йўналиши 4 курс талабаси Шарифова Ирина 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шунингдек, 2011 йил Республика фан олимпиадасида факультетимизнинг инглиз тили ва адабиёти йўналиши талабаларидан Мазурова Дилшода немис тили фанидан фахрли 2-ўринни, Жабборов Баҳром инглиз тили ва адабиёти (мутахассислик) фанидан фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Факультетда иқтидорли талабалар илмий-ижодий маркази ташкил этилди. Марказга филология фанлари доктори Пардаева Зулфия Жўраевна раҳбарлик қилмоқда.

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети

Факультет 1976 йил 1 сентябрдан педагогика ва бошланғич таълим факультетининг бўлими сифатида, 1990 йилдан мустақил иш бошлади. Факультетни доцент О.Э.Муқимов бошқармоқда.

Факультетда 3 та кафедра – «Жисмоний тарбия назарияси ва миллий спорт турлари услубияти», «Спорт фанлари услубияти», «Жисмоний маданият ва спорт» кафедралари фаолият кўрсатади.

Факультет ташкил этилгандан буён зиё мақомли жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаб берди. Утган даврда факультет талабалари шаҳар, вилоят ва республикамиз спортини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Факультет жамоаси турли миқёсдаги спорт мусобақаларида фаол иштирок этади. Кейинги йилларда утказилган «Универсиада» мусобақаларида вилоят терма жамоасининг 85 фоизини ташкил этган ҳолда иштирок этиб, оқори натижаларга эришдилар.

Бир қатор талабалар спортнинг футбол, кураш, эркин кураш, ёнгил атлетика, сузиш ва бошқа турлари бўйича спорт усталари ва спорт усталигига номзод бўлиб, республика шарафини ҳимоя қиладилар. Жумладан, Абдурахмонова Ирода спортнинг дзю-до туридан 7 карра Ўзбекистон чемпиони, 5

карара Осиё турнири совриндори, 2 марта Жаҳон биринчилиги иштирокчиси, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Япония, Хитой, Таиланд, Вьетнам, Қозғистон, Қирғизистонда утказилган халқаро турнир ғолиби ва совриндори бўлди.

Ирода утган йили Зулфия номидаги Давлат муқофотиға сазовор бўлди. Талаба Хидиров Баҳром спортнинг бокс тури бўйича утказилган республика биринчилиги ғолиби, спортнинг ёнгил атлетика туридан талаба Вдовенко Павел кумуш ва бронза, Юнусов Анузар бронза, Кузьяев Рустам кумуш, Бектемиров Рамил бронза медаллари совриндори бўлишди.

Факультет моддий-техника ва ўқув базаларига эга. Кафедралар қошида 11 та услубий хона, 2 та спорт зали, 1 та ёзги бассейн, 4 та баскетбол, 4 та волейбол, 2 та қул түпи майдончалари, 2 та стадион, 2 та мини футбол, 2 та гимнастика майдони ва югуриш, узунликка сакраш, ядро иргитиш майдонлари мавжуд бўлиб асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган. Кейинги йилларда жаҳон андозаларига мос келадиган 2 та ёпиқ спорт зали қурилди ва 2006-2007 ўқув йилининг бошида фойдаланишга топширилди.

Тасвирий санъат ва меҳнат таълими факультети

Факультет ташкил топган 1977 йилда "Умумий техника фанлари" ва "Умумий физика" кафедралари бўлган бўлса, бугунги кунда факультетда учта кафедра мавжуд. Унда 40 га яқин профессор-ўқитувчилар, 10 га яқин техник ходимлар талабаларга таълим-тарбия бериш жараёнида хизмат қилмоқдалар.

2007 йилдан бошлаб факультет "Физика-математика" факультети таркибидagi бўлим сифатида фаолият кўрсатди.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг 2011 йил 30-майдаги 02-1550-сонли хати ҳамда институт Илмий кенгашининг 2011 йил 23-мартдаги 6-сонли қарорига асосан "Физика-математика" факультети таркибидан ажратиб, "Тасвирий санъат ва меҳнат таълими" факультети сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Бугунги кунда факультет жамоаси доцент А.Шамсиев раҳбарлигида Ўзбекистон

Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", ДТС талабалари асосида иш олиб бормоқда. Факультетнинг кундузги бўлимида 470 дан ортиқ талаба таълим олмақда.

Факультет қошида 2001-2002 йил ўқув йилидан бошлаб "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" кафедраси иш бошлади.

Ҳозирги кунда факультет таркибидa фаолият кўрсатаётган "Ишлаб чиқариш амалиёти маркази"ни такомиллаштириш мақсадида мавжуд 3 та кафедра ҳамкорлигида маиший хизмат, автомобилларга хизмат кўрсатиш ва автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда ёғочга ва металл ишлов бериш, наққошлик, ўймакорлик, рассомчилик ва дизайн йўналишларига иқтидорли талабаларни жалб қилган ҳолда ўқув-амалий шохобчалар очиб мўлжалланмоқда.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 25-сонли қарорига асосан факультетда малака ошириш курслари ташкил қилиниб келинмоқда. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети билан буюртмачи - вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ўртасида тингловчилар сонига асосланиб хўжалик шартномаси имзоланади ва шу асосда молиялаштирилади.

Факультет ўз моддий-техника базасига эга. 2 та ўқув хонаси, 1 та компьютер хонаси, 1 та услубий хона тингловчилар ихтиёрида. Биология, физика фанларидан лабораториялар ва лингафон хоналари ҳамда спорт мажмуалари институт базасида бўлиб, малака

ошириш курслари тингловчилари фойдаланишлари учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган. Узоқ масофадан келиб малака ошириш курсида ўқиётган тингловчиларга институтнинг талабалар уйдан хоналар ажратилган. Бундан ташқари тингловчилар институт ахборот-ресурс марказидан унумли фойдаланишади.

Ўқув режасига асосан «Кўчма» ва «Тажриба алмашиш» машғулоти энг намунали, илгор педагогик тажрибага эга бўлган таянч таълим муассасаларидан Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 1-сонли "Сайилжойи" ва 2-сонли, Жиззах политехника институти қошидаги 1-сонли академик лицейлар ҳамда Жиззах тиббиёт, педагогика, транспорт, алоқа касб-хунар коллежларида ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида ўтказиб борилади.

ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШДА ҚАЙСИ ФАНЛАРДАН СИНОВ БЎЛИШНИ БИЛИНГ

2011-2012 ўқув йили учун ўтказиладиган тест синовларида тест саволлари китобига кирадиган предмет блоклари ҳақида **МАЪЛУМОТ**

№	Таълим йўналишлари	Предмет блоклари
1	Математика ўқитиш методикаси	Математика, Физика, Она тили ва адабиёти
2	Физика ва астрономия ўқитиш методикаси	Физика, Математика, Она тили ва адабиёти
3	Кимё ўқитиш методикаси	Кимё, Биология, Она тили ва адабиёти
4	Биология ўқитиш методикаси	Биология, Кимё, Она тили ва адабиёти
5	География ўқитиш методикаси	География, Математика, Она тили ва адабиёти
6	Тарих ўқитиш методикаси	Тарих, Она тили ва адабиёти, Чет тили
7	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	Математика, Ижодий имтиҳон, Она тили ва адабиёти
8	Педагогика ва психология	Биология, Она тили ва адабиёти, Тарих
9	Музыка таълими	Она тили ва адабиёти, Ижодий имтиҳон, Тарих
10	Ўзбек тили ва адабиёти	Она тили ва адабиёти, Тарих, Чет тили
11	Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти)	Рус тили, Тарих, Чет тили
12	Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда)	Русский тили, Родной тили ва адабиёти, Ижодий имтиҳон
13	Инглиз тили ва адабиёти	Инглиз тили, Она тили ва адабиёти, Тарих
14	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	Тарих, Она тили ва адабиёти, Чет тили
15	Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш	Она тили ва адабиёти, Математика, Тарих
16	Мактабгача таълим	Биология, Она тили ва адабиёти, Тарих
17	Дефектология	Биология, Она тили ва адабиёти, Тарих
18	Жисмоний маданият	Биология, Ижодий имтиҳон, Она тили ва адабиёти
19	Меҳнат таълими	Физика, Математика, Она тили ва адабиёти

Жиззах Давлат педагогика институтига 2011-2012 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари бўйича тақсимланishi

№	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида				
				Жами	Шу жумладан			Жами	Шу жумладан		
					Ўзбек	рус	қозоқ		Ўзбек	рус	қозоқ
			1665	540	459	65	16	1125	971	130	24
1	5110100	Математика ўқитиш методикаси	125	35	17	10	8	90	63	15	12
2	5110200	Физика ва астрономия ўқитиш методикаси	100	30	30			70	70		
3	5110300	Кимё ўқитиш методикаси	75	20	20			55	55		
4	5110400	Биология ўқитиш методикаси	75	20	20			55	55		
5	5110500	География ўқитиш методикаси	75	25	25			50	50		
6	5110600	Тарих ўқитиш методикаси	75	20	15	5		55	40	15	
7	5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	50	15	15			35	35		
8	5110900	Педагогика ва психология	100	25	25			75	75		
9	5111100	Музыка таълими	75	25	25			50	50		
10	5111200	Ўзбек тили ва адабиёти	120	40	40			80	80		
11	5111300	Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти)	75	20		20		55		55	
12	5142200	Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда)	25	10		10		15		15	
13	5111400	Инглиз тили ва адабиёти	50	15	15			35	35		
14	5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	75	20	20			55	55		
15	5111700	Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш	250	100	82	10	8	150	123	15	12
16	5111800	Мактабгача таълим	50	15	15			35	35		
17	5111900	Дефектология	50	20	20			30	30		
18	5112000	Жисмоний маданият	120	45	35	10		75	60	15	
19	5112100	Меҳнат таълими	100	40	40			60	60		

ZIYO CHASHMASI

Муассис

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таълим этилимайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрида 06-017 рақами билан рўйхатга олинган

Босишга топширилган вақти - 19.00 Топширилди - 18.00
Навбатчи: М.Абдуллаев

Манзил: Ш.Рашидов шох кўчаси, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти.

«Noshir lux» МЧЖ
босмахонасида офсет усулида 4000 нусхада босилди. Манзили: Самарқанд шаҳри, Спитемен - шох кўчаси, 270. Буюртма № 626 Шакл - А-3